

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

366 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 12 февралдаги 77-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 апрелдаги ПФ–1988-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ўз кучини йўқотганлиги ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги Фармони асосида Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг 1997 йил 20 июндаги 110-сонли буйруғини бекор қилиш ҳақида»ги буйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
18 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 651-1*

(2010 йил 28 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги ПҚ–823-сонли «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 14-15-сон, 98-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 29-сон, 335-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 1999 йил 12 февралдаги 77-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

16 апрелдаги ПФ–1988-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ўз кучини йўқотганлиги ва ўзгартириш киритиш ҳақида»-ги Фармони асосида Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг 1997 йил 20 июндаги 110-сонли буйруғини бекор қилиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 651, 1999 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 3-сон, 40-42-бет) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Раис**С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 24 сентябрь,
01-02/8-20-сон